

## Моида, 3

05:00 / 19.01.2017 7236

**3. Сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йиртқич еган ҳайвонлар ҳаром қилинди. Магар, (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз, (ҳалол). Ва бутларга сўйилган ҳайвонлар ҳам, чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди. Бундай қилмоғингиз фосиқликдир. Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид уздилар. Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим. Кимки гуноҳга моил бўлмаган ҳолида очликдан музтар бўлса, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир.**

Ушбу ояти каримада асли гўшти ҳалол қилинган ҳайвонлар ҳақида сўз кетмоқда. Албатта, чўчқани ҳисобга олмаганда. Аслида, гўшти ҳаром бўлган ҳайвонлар ўз-ўзидан маълум, баҳс улар ҳақида эмас. Шунингдек, Аллоҳ таоло бандаларига кўплаб неъматларни тановул қилишни ҳалол қилиб қўйган. Уларнинг барчасининг асли ҳалол. Модомики ҳаром нарса аралашмаса, истеъмол қилинаверади. Инсон шахсининг ёки амалининг унга таъсири йўқ. Мисол учун, нонни олайлик. Унинг буғдойини ким эккан, ким ўрган, қандай янчган ёки қандай қилиб нонга айлантирилган-буларнинг аҳамияти йўқ, ҳаммаси истеъмол қилинаверади. Аммо гўшт маҳсулотлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки гўшт тирик ҳайвондан олинади. Ана ўша тирик жониворни гўштга айлантириш жараёни ва ундаги ният ҳамда эътиқод унинг ҳалол ёки ҳаромга айланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу жараёнга, яъни, тирик ҳайвонни гўштга айлантириш жараёнига шариатда алоҳида эътибор берилади. Бир қанча шартлар қўйилади. Ўша шартлар вужудга келгандагина у ҳайвон гўшти ҳалол ҳисобланиб, истеъмол этишга рухсат берилади. Бу шартларнинг бошида ҳайвоннинг жонини чиқариш пайтида унга жон берган Аллоҳнинг номини зикр қилиш туради. Бу иш қилинмаса, катта маънавий жиноят содир бўлган бўлади, шу сабабли унинг гўшти ҳаромга айланади.

Ушбу оятда гўшти ҳаромга айланиб қоладиган ҳайвонлардан бир неча тоифаси зикр этилган.

Ўлимтик (ўзи ўлиб қолган ҳайвон), ҳайвон сўйилганда ундан оқадиган қон ва чўчка гўшти шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаром қилинганлиги ҳикматлари, тиббий сирлари ҳақида Бақара сураси тафсирида батафсил сўз юритилган.

**«Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган»** ҳайвон гўштининг ҳам ҳаром бўлиши, аввал айтганимиздек, иймон тақозосига тўғри келмаганидандир. Уни яратган ва унга жон берган Зотнинг номини қўйиб, бошқанинг номи ила сўйилганидандир.

**«Бўғилиб ўлган»**–ҳайвон бўғилиш оқибатида ўлган бўлса, гўшти ҳаромдир. Унга ҳам Аллоҳнинг номи айтилмаган, ҳам қони ичига тарқаб, гўшт зарарли ҳолга келган бўлади.

**«Уриб ўлдирилган»**–бунда ҳам аввалги ҳолдаги ҳикмат туфайли ҳаромлик ҳукми бор. Кимки бир ҳайвонни тош, ёғоч ёки шунга ўхшаш нарсалар билан уриб ўлдирилган бўлса, гўшти ҳаромга айланади.

**«Йиқилиб ўлган»**–тоғданми, баланд жойданми йиқилиб ўлган ҳайвонларнинг гўшти ҳам ҳаром.

**«Сузиб ўлдирилган»**–икки ҳайвон бир-бири билан сузишсаю, бири ўлиб қолса, унинг гўшти ҳам ҳаромдир.

**«Йиртқич еган ҳайвон ҳаром қилинди».**

Яъни, бир йиртқич ҳайвон мазкур гўшти ҳалол ҳайвонга ҳужум қилиб еса, ўлдирса, ундан ортиб қолган гўшт ҳаром ҳисобланади.

**«Магар (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз, (ҳалол)».**

Мазкур ҳолатларга дучор бўлган ҳайвонлар ўлмай туриб сўйиб юборилса, гўшти ҳалол бўлади.

**«Бутларга сўйилган ҳайвонлар ҳам».**

Жоҳилий арабларнинг турли бутлари бўлиб, уларга атаб жонлиқ сўйишар ва қонини ўша бутларга суртишар эди. Бундай ҳайвонларнинг гўшти, гарчи Аллоҳнинг номини айтиб сўйилган бўлса ҳам, бутларга сўйилгани учун ҳаромдир.

Оят давомида катта маънавий ҳаром иш ҳам зикр этилган.

**«чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди».**

Жоҳилият даврида бутхоналарда хизмат қилувчи коҳинлар ҳузурида бир махсус идишда учта ёки еттита чўп турар эди. Уларга турли иборалар, жумладан, «Роббим буюрди» ёки «Роббим қайтарди» деган иборалар ёзилган бўларди. Бирор ишни қилиш ёки қилмасликда иккиланган одам коҳинга у-бу нарса бериб, фол очишни сўрарди. Шунда коҳин идишдаги чўпларни аралаштириб, фол очирувчига тутар, у идишдаги чўплардан бирини тортганда «Роббим буюрди» деб ёзилган чўп чиқса, ишни қилишга, «Роббим қайтарди» деб ёзилгани чиқса, ишни қилмасликка амр этар эди.

Бошқа чўп чиқса, яна пул олиб, қайтадан фол очарди. Худди шу услуб киморнинг бир турида ҳам қўлланар эди. Буларнинг ҳаммаси ҳаром қилинди.

**«Бундай қилмоғингиз фосиқликдир».**

Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилмоғингиз фисқ, яъни, дин амридан чиқишдир.

**«Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид уздилар».**

Ушбу оят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажлари пайтида тушган. Бу вақтга келиб Ислом атрофга ёйилган, мусулмонларнинг шавкати ошган, ҳамма уларга ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлган эди. Пайғамбаримизнинг умрлари охирлашиб, видолашув ҳажини адо этар эдилар. Бу ҳаж Ислом ғалабасининг тантанасига айланиб кетди. Энди кофир-мушриклар, Муҳаммад ва унга эргашган ялангоёқларни ер юзидан йўқотиб юборамиз, дейишга тиллари бормасди. Аксинча, уларнинг кўплари мусулмонликни қабул қилган ёки қабул қилиш арафасида турар эдилар. Қолганлари эса, янги дин равнақиға ҳасад билан қараб туришса ҳам, Исломга зарар етказишдан умидлари батамом узилган эди. Ушбу жумлада Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мана шу ҳолатнинг хабарини бермоқда ва:

**«Улардан кўрқманглар, Мендан кўрқинглар»,** деб амр қилмоқда.

Яъни, кофирлар биздан устун келиб қолармикинлар, динимизга зарар етказармикинлар, деб улардан хавфсираб юрманглар. Балки менинг амримга зид ишлар қилишдан кўрқинглар. Сизларга зарар шу туфайли келиши мумкин.

**«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим».**

Бу оят Қуръони Каримнинг охирги тушган оятларидан бири ҳисобланади. Аввал айтилганидек, ояти карима Пайғамбаримизнинг соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажларида тушган. Ушбу ояти карима нозил бўлганда ҳамма саҳобалар, динимиз мукаммал бўлди, Аллоҳ бизга неъматини батамом қилиб берди, Исломни дин деб рози бўлди, деб чексиз қувондилар. Аммо ҳассос қалбли инсон, буюк идрок ва ақл соҳиби Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу йиғлар эдилар. Бу ҳолни кўрган саҳобалар ташвишга тушдилар ва: «Сенга нима бўлди, эй Умар, нечун йиғламоқдасан?» деб сўрадилар. Шунда Ҳазрати Умар: «Ҳар бир нарса мукаммал бўлганидан сўнг унга нуқсон етиш бошланади. Мен бу оятни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларининг

яқинлашганига белги деб билмоқдаман», дедилар.

Бу андиша ҳақиқат бўлиб чиқди: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу оят нозил бўлганидан саксон бир кун ўтганидан сўнг бу дунёни тарк этдилар.

Диннинг мукамал қилигани, неъматнинг батамом этиб берилгани ва Исломни дин деб рози бўлингани тўғрисидаги хабар фақат ўша замон мусулмонлари ёки умуман мусулмонлар учунгина эмас, балки бутун инсоният учун катта хурсандчилик ва башорат эди. Бу улкан шодлик хабари инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида саодат излаб қилган ҳаракат ва уринишларига тож кийдириб, гўзал натижа берган эди. Инсониятнинг яратган холиқи Аллоҳ таоло уни аста-секин тарбия қилиб келди. Ҳамма авлодларга Исломни дин қилиб берган бўлса ҳам, ҳар замон ва маконга ўзига хос шариат берди. Биринчи Пайғамбар Одам атога берилган шариат ўша даврдаги содда ҳаётга мос ва ўша вақт воқеълигини ҳисобга олган содда шариат эди. Кейинги даврларда ҳам Аллоҳ таоло худди шу қоида асосида ҳар замоннинг, маконнинг ва жамиятнинг ўзига хос ҳолатларини эътиборга олиб шариатлар юбориб турди. Табиийки, кейин келган шариат ўзидан аввалгисидан кўра мукамалроқ бўлар эди. Аввалги Пайғамбарлар ўз қавмларигагина юборилар эдилар. Уларнинг Пайғамбарликлари, шариатлари маълум муддатга, маълум маконга ва маълум жамият ёки қавмга хос эди. Шу тариқа кўплаб Пайғамбарлар, шариатлар юборилди. Ниҳоят-инсоният ўз камолига етган пайтида, Аллоҳ таоло Пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломга самовий китобларининг сўнггиси Қуръони Каримни нозил қилди ва у орқали жами инсоният учун, ҳар замон ва ҳар маконга салоҳияти бор Ислом шариатини жорий этди. Бу эса, инсониятга улуғ шараф эди. Ана шу охирги шариатнинг мукамал таълими ва татбиқи йигирма уч йил давом этди. Бошланиши Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳиро ғорида бўлган бўлса, давоми Мадинаи Мунаввара ва атрофларида, мукамал бўлиши видолашув ҳажиди-ушбу биз ўрганаётган оятнинг нозил қилиниши биландир. Ва ниҳоят, Оламларнинг Робби Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига:

**«Бугунги кунда Мен сизга динингизни мукамал қилиб бердим»,** деб хитоб қилди.

Ушбу хитоб ҳалол-ҳаром, баъзи ҳайвонларни шаръий йўл билан сўйиш, қай ҳолатда ҳалол гўштлар ҳаромга айланиши масалаларига оид ояти карима ичида келишининг ўзи эътиборга сазовордир. Бу ҳол дин деган тушунча кенг тушунча эканини, ҳозирги баъзи бир гумроҳларнинг фикрича, ҳар одамнинг қалбида қолиши лозим бўлган ўйи, хаёли ва фикри эмас, балки инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи шомил тузум-низом

эканини кўрсатади. Дин ўзида эътиқод масалаларини ҳам, шу билан бирга, одоб-ахлоқ, муомала, маънавиятлар, таълим-тарбия, иқтисод, сиёсат, ижтимоий масалалар, ибодатлар, ҳалол-ҳаром ва бошқа муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур барча ишларда шариат ҳукмига амал қилганлар Аллоҳнинг амрига итоат этган бўладилар. Амал қилмаганлар эса, Аллоҳнинг амрига исён қилган бўладилар. Чунки мукамаллиги Аллоҳ таоло томонидан эълон этилган шариатдан бошқа томонга оғиш уни эътироф этмаслик бўлади. Бу эса, ўз навбатида, куфрга элтади. Кимки Ислом шариатини ҳаётига дастур қилиб олса, илоҳий дастурни олади, баркамол дастурни олади. Унинг ақидаси баркамол бўлади. Маънавий ҳаёти баркамол бўлади. Таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, сиёсати, турли алоқалари, тузумлари баркамол бўлади. Икки дунёдаги бахт-саодати баркамол бўлади. Борлиқни яратган қодир Аллоҳ шу борлиқ халифаси этиб инсонни ҳам Ўзи яратган. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган одам қандай дастурга амал қилиб яшаса, икки дунё саодатига эришишини ҳам Ўзи яхши билади. Буюк яратувчи Аллоҳ мукамал қилиб қўйган ушбу динга юрмай, бошқа тузумларни ахтарганлар эса, мен Худодан ҳам яхши йўл топгувчиман, деб даъво қилган бўлади.

#### **«Сизга неъматимни батамом қилдим».**

Демак, динни мукамал қилиб беришнинг ўзи улкан ва батамом неъматдир. Исломнинг улуғ неъматлигини мусулмон бўлганлар билади. Айниқса, аввал турли жоҳилиятлар ва уларнинг тузумларини синаб кўриб, кейин мусулмонликка ўтганлар жуда яхши биладилар. Исломсиз яшаган инсоннинг ҳайвондан фарқи йўқлигини ана ўшалар кўпроқ таъкидлайдилар.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломнинг батамом неъмат эканини яратган холиқни инкор этиб юрган худосизларнинг фожиали оқибатларини кўрганда янада ёрқинроқ тушуниб етилади. Бу ҳақиқатни худосизлар дунё халқлари бошига олиб келган битмас-туганмас мусибатларни идрок этганлар яхши биладилар.

Аллоҳ таоло бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломнинг улуғ неъмат экани молга, дарахтга, инсоннинг жинсий аъзосига сиғиниб, залолатда юрганларни кўрганда билинади.

Бу неъматнинг қадри инсон ақлига ор ҳисобланган турли бузуқ ақидаларнинг ҳолини кўрганда тушунилади.

Мукамал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани, ҳалол-ҳаром нималигини ажратмай, худди ҳайвон каби, қўлига тушган нарсасини еб-ичиб, ўзига ўзи битмас-туганмас дардлар орттириб олаётганларни

кўрганда тушуниб етилади.

Мукаммал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани ахлоқ-одобдан беҳабар, отасини ҳам танимайдиган, дунёдаги ҳеч бир разолатдан қайтмайдиган, безори ва жинойткор авлодлар етишиб чиққанда билинади.

Мукаммал дин Исломнинг қадри оилалар бузилиб, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидан, жамиятдаги кишилар орасидан меҳру оқибат кўтарилиб, одамлар бир-бирларига душманлик руҳида, беҳурматлик руҳида, меҳр-шафқатсизлик руҳида шаклланиб, ижтимоий алоқалари бузилиб бўлган жамиятларнинг ҳолини кўрганда билинади.

Мукаммал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани иқтисодий ҳолатлар оғирлашиб, кишилар ўз меҳнати самарасини кўра олмай, давлат ёки мулкдорлардан зулм чекиб, бола-чақасини боқиш нари турсин, ҳатто қорнини ҳам тўйғиза олмай юрганида тушуниб етилади.

Шу билан бирга, бошқа бир гуруҳ нобакорлар оддий инсонларнинг пешона тери билан топган маблағларини хоҳ давлат номи билан, хоҳ иш одами номи билан, турли услублар ила тортиб олиб, айшу ишрат қилиб юрганларини англаб етганлар тушунадилар.

Мукаммал дин Исломнинг ҳақиқий илоҳий неъмат экани кучли кучсизни еб, ҳаммаёқда зулм урчиб, инсон ўз жонини, болаларини, молу мулкини ва обрў-номусини ҳимоя қила олмай қолган жамиятларни кўрганда тушуниб етилади.

Мукаммал дин бўлмиш Исломнинг Аллоҳ таоло томонидан бандаларга улуғ неъмат қилиб берилганини ҳавои нафсига берилган сиёсатчилар халқларни бир-бирига уруштириб, қонини тўкканлари етмай, бутун дунёни вайрон қилиш хавфи остига олиб келиб қўйганларини ҳақиқий тушуниб етганлар англайдилар.

Агар инсоният бу неъматнинг қадрига етганида эди, уни қабул қилиб ўрганган ва ҳаётга татбиқ этганида эди, дунёда ҳеч қандай муаммо қолмаган бўлар эди. Бекор овора бўлиб, турли назариётларга, мафкураларга, дастурларга ва қонун-қоидаларга мурожаат этиб, ўзини қийнамаган бўлар эди.

**«Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим».**

Аллоҳ таоло инсониятга амал қилиш учун фақат битта динни-Исломни рози бўлди. Бундан бошқа ҳеч бир динга рози эмас. Шу боисдан ҳам бошқа динлар унинг даргоҳида қабул эмас. Аллоҳ таолонинг бу хитоби мусулмон бандалари учун улкан шарафдир. Аллоҳ таолонинг катта иноятидир. Шу билан бирга, бу иноят мусулмонлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Аввало, мусулмонлар Исломга тўлиқ амал қилишларини, қолаверса, ўзларига насиб этган улуғ неъматни бутун дунё халқларига ҳам

тарқатишларини вазифа этиб юклайди.

Мукаммал дин Ислом бандаларга Аллоҳнинг улкан неъматини эканини инсофли ғайримусулмон шахслар ҳам ҳар доим англаб келганлар. Уламоларимиз китобларида ишончли манбалардан ривоят қилишларича, яҳудийлар Ҳазрати Умари Одил розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб:

«Сизларнинг китобингизда бир оят бор, агар шу оят биз яҳудийларга нозил бўлганида эди, ўша оят тушган кунни ўзимизга байрам қилиб олар эдик», деган эканлар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

«Қайси оятни айтмоқчисизлар?» деб сўрабдилар. Яҳудийлар:

«Бугунги кунда сизларга динингизни мукаммал қилиб бердим», оятини дейишибди. Шунда Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

«Биз у кунни бир эмас, икки байрам қилганмиз: ҳам жума-ҳафталик байрам, ҳам қурбон ийди-йиллик байрам», деган эканлар.

Йигирманчи аср охирига келаётган ҳозирги вақтда ҳам бошқа миллат вакилларида худди шу маънодаги хулосага келаётганлар кўпайиб бормоқда. Дунёнинг тараққий этган етакчи давлатларидан бирининг асли масиҳий (христиан) бўлмиш бир илғор сиёсатчиси ўз қаноати ила мусулмон бўлди ва Ислом ҳозирги мавжуд тузумларнинг ўрнини олиши зарурлигини таъкидлаб, «Ислом ўрин олувчи сифатида» деган китоб ёзди.

Мазкур улкан ҳақиқат баён қилинган, оятда яна аввалги мавзуга қайтилади:

**«Кимки гуноҳга моил бўлмаган ҳолда, очликда музтар бўлса, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир».**

Бу услуб ҳам Қуръони Каримнинг ўзига хос илоҳий услубидир. Қаранг, ҳалол-ҳаром масаласини баён қилиш жараёнида, орада қисқа иборалар орқали бир олам маънони ўзида мужассам этувчи ҳақиқатларни ифода қилиб кетди.

Юқоридаги ҳукмларда айрим ҳолатлардаги гўштарнинг ҳаром эканлиги таъкидланган эди. Охириги жумлада эса, истисно тариқасида музтарлик (заруратлик) ҳолатида ҳукм нима бўлиши ўргатилмоқда. Яъни, дейлик, инсон очликдан музтар бўлди-қийин ҳолга тушиб қолди, егани овқати йўқ, фақат ҳаром қилинган гўштар бор, холос. Булар ҳаром, деб улардан истеъмол қилмаса, ҳалок бўлади. Нима қилиш керак? Мана шундай ҳолда, гуноҳга моил бўлмаган ҳолда, яъни, ўзини ҳалокатдан сақлаб қоладиган миқдорда ўша ҳаром нарсадан истеъмол қилса, бўлади. Ночорликдан қилинган бу иш учун Аллоҳ уни иқоб қилмайди. Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

Тафсири Ҳилол (Моида сураси 3-оят)